

Сизларга ҳадис айтиш ниятим йўқ



08:00 / 06.10.2020 1424

Иброҳим ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Аммамнинг уйига бордим. Аммаваччаларим билан кўришмоқчи эдим, қаергадир кетишган экан. Аммадан сўрасам, «Абдуллоҳ ибн Довуднинг олдига кетишди», дедилар. Уларни кутиб ўтирдим. Улар кеч келишди. Келишди-ю, Абдуллоҳ ибн Довуд билан бўлган воқеани айтишга тушиб кетишди: «Уни қидириб уйига борсак, йўқ экан. Уйдагилар Абдуллоҳни боғда дейишди. Боғига бордик. Салом бериб, бизга ҳадис айтиб беришини сўрадик. Шунда у: «Мен мана бу ишлар билан банд бўлганим учун сизларга ҳадис айтиб бера олмайман. Менинг тирикчилигим шу боғда. Уни суғориш керак. Бу ишларни қилишга мenden бошқа одам йўқ», деди. «Боғингизни биз суғориб берамиз», дедик. Абдуллоҳ бундан хурсанд бўлди. Челақлаб сув ташиб, боғни суғордик. Кейин унга: «Энди ҳадис айтиб беринг», дедик. У табассум билан: «Мен сизларни ҳадис айтиб бериш учун ишлатганим йўқ. Сизлар бўлса ҳадис

эшитиш учун ишладинглар», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан